

Гулрух МАҲМЕДОВА,
Тошкент ислом институти 4-курс талабаси

МОВАРОУННАҲР ТАРИХИДА СУД МАҲКАМА ИШЛАРИНИНГ ЮРИТИЛИШИ

و عن معاوية رضى الله عن النبي صلى الله عليه وسلم
قال: "من يرد الله به خيرا يفقهه في الدين".

Муовия (розияллоҳу анҳу)дан Ривоят қилинади: **Расулulloх** (соллаллоҳу алайҳи васаллам): **“Аллоҳ бир кишига яхшиликни ирода қилса, уни динда фақиҳ қилиб қўяди”¹**, дедилар².

Бандалари ичидан баъзиларини динда фақиҳ бўлишга тарғиб қилган Аллоҳ таолога битмас-туганмас ҳамду сано бўлсин. Аллоҳ кимга яхшиликни ирода қилса, уни динда фақиҳ қилиб қўяди³, деган Расулulloх (соллаллоҳу алайҳи васаллам)га салоту саломлар бўлсин. Ўзларининг муқаддас китоби Қуръонга аввал имон келтириб, уни мукаммал ўрганиб сўнгра бошқаларга таълим берган, ҳамда ҳар бир буйруғига амал қилиб, қайтариқларидан қайтган барча мўмин-мусулмонларга Аллоҳнинг раҳмати ва барокати бўлсин. Амин!

Истиқлол йилларида ўзбек халқининг бой илмий, маънавий меросини ҳар томонлама тадқиқ этиш, соф ислом илмларини тиклаш борасида кенг қамровли ишлар амалга

оширилди. Ўзбекистонда миллий давлатчилик ва диний қадриятларни барпо этиш жараёни том маънода мустақиллик натижасидагина ўз мақомига эга бўлди ва сиёсий-ҳуқуқий амалиётда ўз ифодасини топди. “Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қониди, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир⁴” деганда қанчалаик ҳақ эди юртбошимиз.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”⁵ги Фармони, 2017 йил 24 майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги”⁶ ва 2019 йил 23 июнидаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”⁷ги қарорларида белгиланганидек буюк аجدодларимиз асарлари ва уларнинг бутунжаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаларини чуқур ўрганиш, ёш авлодни юртимиздан етишиб чиққан ҳуқуқ ижодкорлари бўлган фақиҳларнинг ҳаёти ва илмий мероси билан яқиндан таништириш, уларга нисбатан ҳурмат, миллий ғурур ҳамда ифтихор туйғуларини тарбиялаш долзарб масалалардан бири саналади⁸. Ҳозирги даврда мусулмон мамлакатларининг аксариятида ислом ҳуқуқи меъёрлари алоҳида аҳамиятга эга. Ислом маънавий-маданий қадриятлари нафақат ўз аҳамиятини йўқотмаган ва жамият маданий тараққиётида, давлатчиликни мустаҳкамлашда, мусулмонларнинг ҳаётида муҳим рол ўйнаб келмоқда. Жамият ривожланишининг турли босқичларида унинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий тараққиёти тарихини ўрганишга

¹ Муттафақун алайҳ.

² Имоми Ҳофиз Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳул Бухорий (71-ҳадис). –Т: Дорул маърифат, 1313. –В. 71.

Муслим ибн Ҳажжож. Саҳиҳи Муслим (1037-ҳадис). –Т: Дорул хулофатул уллия, 1330. –В. 210.

³ Саҳиҳ ҳадис.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти ташки ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи // Халқ сўзи, 2016 йил, 19 октябрь.

⁵ ПФ-4947-сон.

⁶ ПК-2995-сон.

⁷ ПК-3080-сон.

⁸ Бекмирзаев И. Исломда қозилик маҳкамалари. –Т.: Qaqnus media, 2019. –В. 8.

бўлган интилиш ва қизиқишлар ортиб борган. Шу ўринда исломшунослик, хусусан, ҳадис, фикх, тафсир ва ақоид илмларига алоҳида эътибор берилаётгани барчага маълум. Тарих, ҳуқуқшунослик ва бошқа бир қатор олиб борилаётган тадқиқотлар ислом тарихини янада мукамал ўрганиш ва қўшимча изланишлар олиб бориш кераклигини кўрсатмоқда⁹.

Дастлабки даврда ислом тарқалган мамлакатларда ижтимоий-иқтисодий ва диний фаолиятини қамраб олувчи қонунлар мажмуаси ишлаб чиқиш эҳтиёжи туғилди. Бунинг учун Қуръон ва суннат асос қилиб олинди. Натижада мусулмонларнинг моддий ва маънавий, ижтимоий ва шахсий ҳаётини тартибга солиб турувчи диний ҳуқуқий тизим – шариат вужудга келди¹⁰. Ушбу ҳуқуқий системанинг амалда ижросини қозилик маҳкамалари таъминлаган.

Маълумки, қозилик лавозими ислом динида ўзига хос ўрин эгаллайди. “Қози” сўзи араб тилидаги “қазо”дан олинган бўлиб, луғавий маъноси “кесиш”, “ажратиш” ва “ҳукм қилиш”ни англатади. Ҳанафий уламоларининг таърифига, кўра ўзига хос йўл билан хусуматларни ажратиш ва низоларни кесиш “қазо” деб юритилган. Замонавий тадқиқотларда “қозилик” деганда маҳкама, яъни “суд”¹¹ муассасаси тушунилади. Турк тилида қози “ёруғчи” маъносида аталган. Исломда ҳуқуқшунослик жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда муҳим ўрин эгаллаган. Шу сабабли қозилик фаолияти ўзига хос равишда ривожланиб борган¹².

Қозилик ишларининг муҳимлиги ҳамда жамият орасидаги аҳамияти хусусида Қуръони каримда шундай дейилади:

“Дарҳақиқат, Аллоҳ омонатни ўз эгаларига топширишингиз ва одамлар ўртасида ҳукм қилганингизда адолат билан ҳукм қилишингизга буюрар. Албатта, Аллоҳ сизларга яхшигина насиҳат қилур. Аллоҳ эшитувчи ва кўрувчи зотдир”¹³.

⁹ Бекмирзаев И. Исломда қозилик маҳкамалари. –Т.: Qaenus media, 2019. –Б.16.

¹⁰ Мақсудий Аҳмад Ҳодий. Шаръий ҳукмлар тўплами. –Т.: Шарқ, 1990. –Б.31.

¹¹ Суд зиммасига давлат ҳокимиятининг бўғинларидан бири – суд ҳокимиятини амалга ошириш юклатилган орган.

¹² Бекмирзаев И. Исломда қозилик маҳкамалари. –Т.: Qaenus media, 2019. –Б.13.

¹³ Шайх Мансуров А. Қуръони карим маънолар таржи-

ўрта асрларга келиб Мовароуннаҳрда таълиф этилган фикҳий асарларда исломдаги қозилик фаолиятининг илк ривожланиш босқичи Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг пайғамбарлик даври¹⁴ билан боғланади. Ривожланишнинг кейинги босқичлари сифатида Хулафои Рошидин¹⁵ даври¹⁶, умавийлар¹⁷ ва аббосийлар даври¹⁸ билан белгиланади¹⁹.

Ислом давлатининг таъсир чегаралари кенгайганидан сўнг вилоятлар ва муайян катта шаҳарларга волий²⁰ тайинланиб уни ижро этиш билан бирга қозилик ишини олиб бориш ваколати ҳам қўшиб берилган. Натижада ҳар бир вилоят бошлиғи ҳам волий, ҳам қози вазифасини бажарган. Мазкур амалдорлар сирасига Али ибн Абу Толиб (розияллоҳу анху)²¹, Муоз ибн Жабал (розияллоҳу анху)²², Муъқал ибн Ясор²³ (розияллоҳу анху), Абу Мусо ал-Ашъарий (розияллоҳу анху)²⁴, ал-Аъло ибн ал-Ҳадрамий (розияллоҳу анху)²⁵, Аттоб ибн Усайд (розияллоҳу анху)²⁶ни киритиш мумкин²⁷.

Мовароуннаҳрда қози лавозимига тайинлаш учун жамият ичидан “уламолар табақаси”га мансуб бўлган киши танлаб олинган. Улар ислом манбалари Қуръони карим ва Ҳадиси шарифларни мукамал билган ва амалий татбиқ эта олган. Шунингдек, мазкур табақа вакиллари ислом дини доирасида

маси ва тафсири. –Т.: Тошкент ислом университети, 2010. Нисо, 58 оят.

¹⁴ Милодий 610-632 йилларни ўз ичига олади.

¹⁵ Хулафои Рошидиннинг маъноси тўғри йўлдан боровчи халифалар деганидир.

¹⁶ Милодий 632-661 йилларни ўз ичига олади.

¹⁷ Милодий 661-750 йилларни ўз ичига олади.

¹⁸ Милодий 750-1258 йилларни ўз ичига олади.

¹⁹ Зиёдов Ш., Қориев О., Бекмирзаев И. Мовароуннаҳр ислом илмлари ривожига ҳанафий таълимот. –Т.: “Фан ва технология”, 2012. –Б.32.

²⁰ Волий арабчадан олинган бўлиб, ўрта асрларда шарқ мамлакатларида вилоят ҳокими бўлган шахсга нисбатан ишлатилган. Маълумот учун қаранг: Ан-На’им: арабча-ўзбекча луғат. – Тошкент: Халқ мероси, 2003. – Б. 164.

²¹ Яманда фаолият олиб борган.

²² Яманнинг бир қисмида фаолият олиб борган.

²³ Яманнинг иккинчи қисмида фаолият олиб борган.

²⁴ Кўфада фаолият олиб борган.

²⁵ Баҳрайнда фаолият олиб борган.

²⁶ Маккада фаолият олиб борган.

²⁷ Ибн Баттута. Саёҳатнома. / Масъул муҳаррир ва мукаддима муаллифи академик Н.Иброҳимов – Т.: Шарқ, 2012. –Б. 187.

ақоид илмининг етук мутахассислари бўлиши билан бир вақтда, фикхшунос олим ва шариат қонунларини татбиқ қилувчи шахслар саналган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Русия империяси Туркистонни босиб олишидан аввал қозилар шаҳар беглари томонидан сайланган. Чор ҳукумати эса қозиларни сайлаш тартибини жорий этди. Манбаларга кўра, Тошкент шахрининг ҳар бир даҳасига қозилар элликбошилар томонидан уч йил муддатга сайланар, номзодлар эса Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори тастигидан ўтар эди. Бундан кўзланган мақсад қозиларни мустамлакачи ҳукумат сиёсатига тобеъ этиш эди²⁸.

Одатда қозилар ўз фаолиятини олиб бориш учун қулай деб билган жойларни ихтиёрий равишда танлаб олган. Аксарият ҳолларда, улар масжид, мадраса ёки ўз уйларида иш олиб борган. Кейинчалик қозилик вазифасининг кенгайиб бориши ва мавқеининг ошиб бориши натижасида давлат томонидан алоҳида бинолар қурилиб, махсус қозихоналар ва маҳкамалар

²⁸ Қозилик “мансабига халқ ичида хизмат ва эътибори бор ва... 7 кундин зиёд ҳибс жазосига ва ё 30 сўмдин зиёд таъзир бўлмагон, яъни жаримага гирифтор бўлмагон, тергов ва ё ҳукм устида турмогон ва ёши 25 ёшдин» кичик бўлмаган фуқаролар сайланган. Маълумот учун қаранг: (МДА, 36-фонд, 1-рўйхат, 2707-иш, 17-варақ).

Қозилик сайлови сандикқа соққа ташлаш асосида ўтказилган. Соққалар қора ва оқ рангда бўлиб, оқ ранг номзодни ёқлаш, қора эса унга қарши овоз бериш аломати эди. Ҳар бир даҳадан шариат аҳкомларини пухта билган, эл-юрт ҳурматини қозонган номзодлар сайловда қатнашган. Масалан, 1887 йилги сайловда Шайхонтоҳур даҳасидан 7 нафар, Бешёғоч даҳасидан 6 нафар, Кўкчадан 5 нафар, Себзор даҳасидан эса 4 нафар вакил номзодини қўйган. 97 элликбошидан 77 таси овозини олган Шариф хожи қози Шайхонтоҳур қозилигига, 68 элликбошидан 49 таси овозини олган Одил хожи Бешёғоч қозилигига сайланган. Маълумот учун қаранг: (МДА, 36-фонд, 1-рўйхат, 3106-иш, 38-41-48, 54-варақлар).

Даҳа қозихоналарида йиғилган муҳим масалаларни қозилар кенгаши кўриб чиққан. Кенгаш аввалида қозилар орасидан содирнишин (райс) сайлаб олинган ва бу ҳақда Тошкент шаҳар ҳокимига билдирги юборилган. Масалан, “Тарих 1306 йил 12 сафар ойинда, яъни 1888 йил 6 октябрда Бешёғоч даҳаси қозиси Одилхўжа эшон Офокхўжа эшон ўғлини содирнишинликка хоҳлаб сиз ҳурматли ҳокимимизга маълум бўлсин деб рапурт ёзиб ростлигига муҳрларимиз босдук” (МДА, 36-фонд, 1-рўйхат, 3005-иш, 7-варақ), дейилади хабарномалардан бирида. Маълумот учун қаранг: МДА, 36-фонд, 1-рўйхат, 2707-иш, 17-варақ.

ташқил этилган²⁹. Бу борада Бурхонуддин Маҳмуднинг ҳулосасига кўра, Бухоро қозилари шаҳардаги жомеъ масжидининг бир қисмини ўзларига “мавқеъ” (қароргоҳ) қилган. Бундан мурод, низолашувчилар учун қозининг иш жойини топишларида қулайлик яратиш бўлган. Бошқа тарафдан эса, маҳкама жараёнининг масжидларда бўлиши ўша даврдаги ҳуқуқий тизимнинг ўзига хос мафкуравий хусусиятларини очиб беради. Чунки, ислом ўлкаларида жомеъ масжидлар муқаддас макон ҳисобланиб, низолашаётган тарафлар бу ерда ўзининг диний масъулиятини хис қилган ва бир-бирларига турли тухмат, бўҳтонларни ёғдиришдан маълум даражада тийилган. Қозилар ҳам бундай жойларда ўзининг “илоҳий масъулияти”ни хис қилиб, муаммонинг ечимини топишга ҳаракат қилган. Демак, ушбу ҳолатда ислом ҳуқуқи фуқаролик муносабатларни тартибга солишда “илоҳий масъулият”га асосланганлигини кузатиш мумкин³⁰.

Мовароуннаҳр тарихида қозилик маҳкамалари бугунги суд маҳкамаларидан кенгрок фаолият юритиб, X-XIII асрларда процессуал судлов³¹ ишлари билан бир қаторда **шурталиқ**³², **ҳисба ва муҳтасиблик**³³ ваколатига ҳам эга бўлган; давлат адлия ишлари ҳамда нотариал ҳаракатларни ҳам назорат остига олган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида хонликлардаги заиф сиёсий бошқарувдан фойдаланиб Русия империяси ўлкани босиб олди ва Туркистонда ўз қонқчилигини киритишга киришди. Русия давлати ўз қонқчилик тизимини ўрнатиш учун халқ ишинчини қозонган қозилик маҳкамаларини заифлаштиришга қарор қилди. Шу сабаб, баъзи чора тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, қозилик маҳкамалари аксар ҳуқуқий масалаларни кўриш ҳуқуқидан

²⁹ Зиёдов Ш., Қориев О., Бекмирзаев И. Мовароуннаҳр ислом илмлари ривожига ханафий таълимот. –Т.: “Фан ва технология”, 2012. –Б.30.

³⁰ Бурхонуддин Маҳмуд Бухорий. Мухиту-л-бурхоний фи-л-фикхи-н-нў‘моний. 9 томлик / ‘Абдулкарим Сами Жундий таҳрири остида. – Байрут: Дору-л-кутуб ал-‘илмийа, 1424/2004. –Б. 142.

³¹ Процессуал судлов – бу суд жараёнида котиб, айбланувчи, жавобгар, давогар, қози (судя), факихлар иштирок этиши. Бундай мажлисда қабул қилинган қарор – процессуал суд қарори дейилади.

³² Шурталиқнинг маъноси миршаблик.

³³ Ҳибсанинг маъноси ҳуқуқни назорат қилувчи орган.

махрум қилинди. Қолаверса, қозилар ҳукмидан норози бўлган фуқароларга империя судларига мурожаат қилиш ҳуқуқи берилди³⁴.

Ҳозирги кунда ҳам баъзи Ғарб давлатларида Х-ХІІІ асрларда Мовароуннаҳр марказий шаҳарларида фаолият юритган қозилик маҳкамалари тажрибаларидан келиб чиқиб, Скандинавия ярим ороли³⁵ давлатлари Швеция ва Норвегия каби давлатларда суд маҳкамалари адлия ва суд ишларини яхлит ҳолда олиб боришлиги кузатилади³⁶.

Россия ва Ўзбекистонда тарихий ҳужжатлар устида йирик тадқиқотлар олиб бориш ва янги нашрлар тайёрлаш ўтган асрнинг 50-йилларидан бошланди. 1943 йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси қошида Шарқ кўлғемалари³⁷ институтининг ташкил этилиши, Бухоро, Хива, Қўқон хонликлари ҳудудида мавжуд бўлган кўлғема ва тошбосма ҳужжат ва манбаларни бир жойга тўпланиши, илмий йўналишда комплекс тадқиқотларнинг пайдо бўлишига замин яратди.

Мовароуннаҳрда қозилик маҳкамаларининг ривожланиши жараёнида қозилар ҳам суд қилиш, ҳам инсонлар ўртасида тузиладиган ҳар қандай битимларни расман қайд этиш ваколатига эга бўлганлар. Мазкур ҳолатни ўша даврда қозилик маҳкамалари ишларининг кам бўлгани билан изоҳлаш мумкин. Маълумки, ислом динида инсон маънавияти, мафкура

ва тарбиясига алоҳида эътибор берилади. Шу билан бирга гўзал ахлоқ масаласи, ислом оламида, хусусан, Мовароуннаҳрда юксак даражада бўлган. Бундан ташқари ўрта асрларда бу ўлкада жинойятчилар учун оғир тан жазолари белгиланар эди. Шу боисдан жинойятлар кам содир этилган бўлиши ҳам мумкин. Агар суд ишлари камайса, қозиларга бошқа ваколатларни юклаш имкони бўлади. Агар жинойятлар кўп бўлса, тадқиқ этилаётган шурут илмига доир ҳар бир вазифа алоҳида шахсларга юклатилган бўлар эди³⁸.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳозирги кунда демократик тамойилларга таянувчи ривожланган давлатлар томонидан илгари сурилаётган “инсон ҳуқуқлари”, “адолатли жамият”, “эркин фуқаролик жамияти”, “юксак даражадаги ижтимоий муносабатлар”, “адолатли судлов” каби принциплар Ғарб маданиятига хос анъаналарга асосланди. Шарқда ҳам ушбу қоидалар, ислом ўлкаларининг илм маърифат ўчоқлари ҳисобланган Мовароуннаҳр, Шом, Ироқ, Миср ва Андалусияда яшаган фақиҳлар томонидан ХІ асрдаёқ ишлаб чиқилиб, ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган. Хулосалар шуни кўрсатадики, Х-ХІІІ асрларда ислом ўлкаларида ёзилган процессуал ва нотариал ҳужжатлар тузиш илмига оид манбалар кўплаб Ғарб тадқиқотчиларини ўзига жалб қилиб келди. Ғарб тадқиқотчилари томонидан Мовароуннаҳр, Андалусия, Шом, Миср каби мусулмон ўлкаларида ёзилган иш юритиш ҳужжат намуналарига доир манбаларнинг каттагина қисми ўтган асрнинг 90-йилларига қадар ўрганилиб, нашрга тайёрланган. Бунга сабаб улар қозилик маҳкамалари фаолиятида аниқ бир тизимга солинган ва ҳужжатларда акс этган фуқаролик ҳуқуқларини қиёсий таҳлил этиб, Шарқ халқлари тарихида либерализм, ҳурфикрлилик, жамият аъзоларининг ҳуқуқий эркинлиги борасида эришган тажрибаларини ҳар тарафлама ўрганиш бўлган. Ғарбда яратилган тадқиқотларни ўрганиш, ислом ўлкалари тарихининг ёритилмаган қирраларини бирламчи манбалар асосида таҳлил қилиш Ўзбекистон тарихида ҳам процессуал ва нотариал ҳужжатларни расмийлаштириш ва уларни бир тизимга солиш Х-ХІІІ асрлардан бошланганига гувоҳлик беради³⁹.

³⁴ Қозихоналарда “мурофаъ», яъни тергов ишлари милдий тақвим бўйича ҳар ойнинг биринчи санасидан 10 санасигача олиб борилган. Маълумот учун қаранг: Туркистон вилоятининг газети, 1908, №57. Ойнинг қолган кунларида ҳукмлар эълон қилинган. Маълумот учун қаранг: Довросмыслов А. Ташкент в прошлом и настоящем. –Т.: Тошкент, 1912. –В.107.

Умуман, мустамлака тузум ўз ҳокимияти барқарорлигини ўйлаб маҳаллий суд тизимини қаттиқ назорат қилган. Шу боис ҳар бир катта-кичик жараён ҳақида шаҳар ҳокимиға маълум қилиб туриш талаб этилган. ХІХ аср охири – ХХ аср бошларида чор маъмурияти империя судларининг «одиллиги», маҳаллий судлар эса “қолоқ» эканини намоён қилишга зўр бериб ҳаракат қилса-да, халқ учун қозилик судлари адолат маскани бўлиб қолаверди. Ўтган асрнинг биринчи чорагида Туркистонда совет ҳукумати ўрнатилгач, қозилик судлари бутунлай тугатилди. . Маълумот учун қаранг: Тангиров О. Тошкент қозилари // Тафаккур журнали. – Тошкент, 2016. – № 1. – Б. 124-125.

³⁵ Европанинг шимолий ғарбидagi ярим орол.

³⁶ Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплам / Ўзбекча нашрининг маъсул муҳаррири А. Х. Саидов. – Т.: “Адолат”, 2004. – Б.50.

³⁷ Расмий номи Шарқшунослик институти.

³⁸ Бекмирзаев И. Ислонда қозилик маҳкамалари. –Т.: Qaqnus media, 2019. –В.13.

³⁹ Бекмирзаев И. Ислонда қозилик маҳкамалари. –Т.: Qaqnus media, 2019. –В.13.